

Ходимларни ўқитиш бўйича
Шартнома № 25/01

« 25 » Инвар 2022 йил

Тошкент ш.

Самарқанд вилоят Ҳўжайи қон. қўш.
кўр. бошқарувида бошқарувчи Б.Насибаев
бундан кейин “Буюртмачи” деб номланадиган, бир томондан ва “Коммуналўқув”
ўқув-методика маркази” ДУК, кейинчалик “Ижрочи” деб номланган, устав асосида
фаолият юритувчи директор Мингазов Р.Р., бошқа томондан, биргаликда “томонлар”
деб номланган, ушбу шартномани (кейинги ўринларда “Шартнома” деб юритилади)
қуйидагилар бўйича туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ижрочи Буюртмачига ходимларни малакасини ошириш хизматларини (малака ошириш курсларида) тақдим этишни зиммасига олади ва Буюртмачи ушбу хизматлар учун ҳақ тўлайди.

1.2. Ижрочи Буюртмачи билан Ижрочи ўртасида келишилган миқдор, муддат ва ҳақ эвазига Буюртмачи билан белгиланган тариф бўйича хизматлар кўрсатишни ўз зиммасига олади. Курсларнинг рўйхати, ўқув жадвали ва нархи хизматлар рўйхатида (1 илова) ва дарслар жадвалида (2-илова) акс эттирилган. 1 ва 2-илвалар ушбу Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади. Ўқув кунлари Буюртмачи ва Ижрочи ўртасида келишилади ва Ижрочи томонидан Буюртмачига юборилган хатда акс эттирилади.

1.3. Малака оширувчи ходимлар сони Буюртмачи томонидан белгиланади. Буюртмачи ўқишга юбориладиган ходимлар рўйхатини дастлабки маълумотлар билан бирга ўқиш бошланишидан 7 кун олдин Ижрочиға юборади.

1.4. Ижрочи малака ошириш курслари тугагандан сўнг, Буюртмачининг тингловчиларига курсни тугатганлиги тўғрисида сертификат беради.

2. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Ижрочининг ҳуқуқлари:

2.1.1. Белгиланган ўқув вақтининг 10 фоизидан кўпроқ дарсларни сабабсиз қолдириб кетган тақдирда Буюртмачининг ходимига курсни тугатганлиги тўғрисидаги сертификат бермаслик.

2.2. Ижрочининг мажбуриятлари:

2.2.1. ходимларнинг малакасини ошириш;

2.2.2. малака ошириш курсларини тасдиқланган дастурларга асосан ташкил қилиш;

2.2.3. малака ошириш курслари тингловчиларини мавзуларга таалукли услубий ва бошқа тарздаги тарқатма материаллари билан таъминлаш;

2.2.4. малака ошириш курсларини ташкил қилиш учун тингловчиларини санитария-гигиена талабларига мос ўқув хоналари билан таъминлаш;

2.2.5. малака ошириш курсларини юқори савияда, замонавий ўқув технологияларидан фойдаланган ҳолда ўтказиш;

2.3. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

узрли сабабларга кўра курсга қатнашишнинг имкони бўлмаса, Ижрочи билан келишилган ҳолда ўқув муддатини кейинга қолдириш

2.4. Буюртмачининг мажбуриятлари:

2.4.1. Шартнома нархини шартномада белгиланган миқдорда, шартларда ва тартибда Ижрочининг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан тўлаб бериш.

2.4.2. кўрсатилган хизматларни қабул қилиш далолатномасини такдим қилинган вақтдан бошлаб уч иш куни муддатида имзолаш;

2.4.3. ўз ходимларини машғулотларга қатнашиш учун шарт-шароитларни таъминлаш;

2.5. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик учун томонларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3. ИШЛАРНИНГ ҚИЙМАТИ ВА ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ

3.1. Уй-жой коммунал хизмат ходимларини малакасини ошириш бўйича хизматлар нархи келишилган хизматлар рўйхатига (1-илова) мувофиқ белгиланади ва қўшимча қиймат солиғига тортилмайди.

3.2. Буюртмачи ушбу шартнома имзоланган кундан ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида белгиланган тартибда рўйхатга олинган кундан беш иш кунида шартномадаги умумий сумманинг 30 % олдиндан тўлов тарзида амалга оширади, қолган маблағлар ҳисоб-фактура ва кўрсатилган хизматларни қабул қилиш далолатномасини томонлар имзолаган кундан бошлаб уч иш кунида тўловни амалга оширади.

3.3. Республикадаги иқтисодий ўзгаришларни, яъни ҳукумат қарори билан иш ҳақи ва бошқа тўловларнинг ўзгариши муносабати билан Марказ мустақил равишда ўқитиш харажатлари учун ҳисоб миқдорини қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширади.

3.4. Буюртмачи томонидан хизматлар нархини тўлаш шартини бажариш вақти ижрочининг ҳисоб рақамига маблағ тушган сана ҳисобланади.

3.5. Агар Буюртмачининг ходими ўқишга келмаса, ўқиш учун тўланган маблағ қайтарилмайди.

4. КўРСАТИЛГАН ХИЗМАТЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Ижрочи хизмат кўрсатилгандан кейин 5 (беш) иш кунидан кечиктирмай, кўрсатилган хизматлар номи, ўқитилган ходимлар сони, хизматларни такдим этишнинг бошланиши ва тугаш саналари, кўрсатилган хизматларнинг нархи акс этган кўрсатилган хизматларни қабул қилиш далолатномасини тузади ва Буюртмачига юборади.

4.2. Кўрсатилган хизматларни қабул қилиш далолатномаси Ижрочи томонидан такдим этилган кундан бошлаб 3 (уч) иш кунидан кечиктирмасдан Буюртмачи томонидан имзоланиши ёки Ижрочига далолатномани имзолашдан ёзма равишда рад этилиши керак. Агар келишилган муддат давомида Кўрсатилган хизматларни қабул қилиш далолатномалари имзоланмаса ва Буюртмачидан имзолашдан ёзма равишда рад этиш кўрсатилмаган бўлса, ишлар Буюртмачи томонидан талабларсиз бажарилган деб ҳисобланади ва қабул қилинади.

5. ФОРС-МАЖОР

5.1. Шартнома тузилгандан сўнг, олдини олиш мумкин бўлмаган фавқулодда ҳолисалар рўй берганда томонлар мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этилади.

5.2. Форс-мажор ҳолатлари юзага келганда, томонлар бу ҳолат содир этилган кундан бошлаб 15 кун ичида бошқа томонни хабардор қилиши шарт. Фавқулодда ҳолатлар пайтида томонлар жавобгарликдан озод этилади, мажбуриятларни бажариш вақтинча тўхтатилади ва бир-бирига нисбатан санкция қўлланилмайди.

6. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Шартноманинг бажарилиши, унинг ўзгариши, бекор қилиниши ёки ҳақиқий эмас деб топилиши муносабати билан юзага келган барча низолар ва келишмовчиликлар музокаралар йўли билан ҳал этилади, эришилган келишувлар эса тегишли битимлар тузиш йўли билан ёзма равишда расмийлаштирилади.

6.2. Ўзаро келишувга эришилмаган тақдирда, Шартнома бўйича низоларни ҳал қилиш учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Тошкент шаҳар Тошкент туманлараро иктисодий суди орқали ҳал қилинади.

7. ШАРТНОМА МУДДАТИ, ШАРТЛАРНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ

7.1. Мазкур Шартнома икки томонлар ўртасида имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигидан рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабргача амал қилади.

7.2. Мазкур Шартнома томонларнинг бирини ташаббуси билан муддатидан олдин Ўзбекистон Республикасининг амалдаги фуқаролик қонунчилигида белгиланган тартибда бекор қилиниши мумкин.



7.3. Шартномага киритилган барча ўзгаришлар ва қўшимчалар томонларнинг қўшимча келишуви асосида ёзма равишда тузилиб томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланган бўлса ҳақиқий деб ҳисобланади.

8. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1. Томонлар ушбу шартномада кўзда тутилмаган бошқа жihatларни Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳужжатларига мувофиқ амалга оширадилар.

8.2. Шарнома икки нусхада тузилган бўлиб, томонларга бир нусхадан берилади. Иккала нусха ҳам бир хил бўлиб, улар бир хил юридик кучга эга.

9. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ҲУҚУҚИЙ МАНЗИЛЛАРИ:

| Ижрочи: | Буюртмачи: |
|--|---|
| “Коммуналўқув” ўқув-методика маркази” ДУК | |
| Манзил: Тошкент ш. Юнусобод тумани Ниёзбек йўли кўчаси 1-уй. | Манзил: Самарқанд вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси |
| Телефон: +998 (90) 547-70-33. | ШХР: 100021860184017069200110001 |
| e-mail: cmtc.kommunalukuv@gmail.com , g.mingazov@exat.uz | Телефон: М «Марказий банк» Бош бошқармаси |
| x/p: 2021 0000 8001 8997 8001 | e-mail: МФО: 00014 СТИР: 207255700 |
| Банк АТИБ “Ипотека банк” Мехнат бўлими, Тошкент ш. | x/p _____ |
| МФО 00423 | Банк _____ |
| ИНН: 201019689, | МФО _____ |
| ОКОНХ: 83200 | ИНН: _____ |
|  Р. Мингазов | ОКОНХ: _____ |
| |  <i>Алиев</i> <i>Б. Нисматов</i> <i>Т. Сагааров</i> |


«25» 01 2022 йилдаги
Ходимларни ўқитиш бўйича
№ 25/01. Шартномага
1 нлова

ШАРТНОМА БЎЙИЧА КЕЛИШИЛГАН ХИЗМАТЛАР РЎЙХАТИ

| № | Курснинг номланиши | Давомийлиги | Ходимлар сони | Ўқув курслар сони | Битта тингловчи учун битта ўқув курсининг нархи | Ўқув курсининг умумий нархи (ККСсиз) |
|----|--|-------------|---------------|-------------------|---|--------------------------------------|
| 1. | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларининг малакасини ошириш | 36 соат | 2 | 1 | 1 134 604 сўм | 2 269 208 сўм |

Шартнома бўйича келишилган хизматларнинг умумий қиймати: 2 269 208 (икки миллион икки юз олтинчи тўққиз минг икки юз саккиз) сўм.

Ижрочи:


Мингазов Р.Р.

Буюртмачи:





«25» 01 2022 йилдаги
 Ходимларни ўқитиш бўйича
 № 25/01 Шартномага
 2 илова

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш ходимларининг малака ошириш курси
МАШҒУЛОТЛАР ЖАДВАЛИ

| Ўтказиш даври ва вақти | Машғулотлар мавзуси | Машғулот раҳбари | Соат | |
|-------------------------------------|---------------------|--|-----------------------------------|---|
| 1.12. 2021й | 09:30-11:00 | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш тартиби | Маматкаримов Б.К. | 2 |
| | 11:10-12:40 | Меҳнат муносабатларини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг асосий қоидалари | Халилов С.А. | 2 |
| | 14.10-15.40 | Ходимларни касбий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиши. | Расулов Р.А. | 2 |
| | 15.50-17.20 | Одоб-ахлоқ кодекси. | Расулов Р.А. | 2 |
| 2.12. 2021й | 09:30-11:00 | Коррупция тушунчаси, тарихи ва унга қарши кураш бўйича жаҳон тажрибаси | Мадалиев Д.И. | 2 |
| | 11:10-12:40 | Ўзбекистон Республикасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари | Мадалиев Д.И. | 2 |
| | 14.10-15.40 | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш Сиёсати ва Орият кодекси | Мадалиев Д.И. | 2 |
| | 15.50-17.20 | Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси | Абдуллаев Б.У. | 2 |
| 3.12. 2021й | 09:30-11:00 | Қонунлар, ЎР Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқларининг амалга оширилиши бўйича назорат ва ҳисобдорликни ташкил этиш тартиби | Шамсиддинов Э.З. | 2 |
| | 11:10-12:40 | Ҳужжатларни тайёрлашда имловий ва услубий хатоликлар олдини олиш | Байзакова У.А. | 2 |
| | 14.10-15.40 | Ижро интизоми | Урунов О.Т. | 2 |
| | 15.50-17.20 | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида норматив-ҳуқуқий қонунчилик | Харитонов А.Н. | 2 |
| 4.12. 2021й | 09:30-11:00 | Кўп квартирали уйларни бошқаришда ташкилотларнинг рентабеллигини ошириш | и.ф.н., доцент Маматкулов М.Ш. | 2 |
| | 11:10-12:40 | Ўзбекистон Республикасида уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ҳолати ва хорижий тажрибаларни қўллаш муаммолари | и.ф.н., доцент Маматкулов М.Ш. | 2 |
| | 14.10-15.40 | Кўп квартирали уйларни бошқариш | Харитонов А.Н. | 2 |
| 5.12. 2021й | 09:30-11:00 | Замонавий архитектура ва шаҳарсозлик талабларини ҳисобга олган ҳолда туташ ҳудудни ободонлаштириш ишларини ташкил этиш | Мингазов Р.Р. | 2 |
| | 11:10-12:40 | Кўп квартирали уйларнинг умумий мол-мулкни сақлаш бўйича даромад ва харажатларнинг йиллик сметаларини шакллантириш қоидалари | Мингазов Р.Р. | 2 |
| | 14.10-15.40 | Кўп квартирали турар жойларни бошқаришда бино ва йншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги | Мадиев Ж.Х. | 2 |
| Жами режалаштирилган соатлар | | | 36 | |



Иккунчи:
 Мингазов Р.Р.



Буюртмачи:

[Handwritten signature]

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
"KOMMUNALO'QUV" уюв-металлик
жўрақли директори
Р.Мингазов
2021 йил _____

Уй жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳудудий бошқармалар халқчиларининг йиллик режали
малакасини ошириш бўйича онлайн ўқитиш курс харажатлари
КАЛЬКУЛЯЦИЯСИ

| № | Харажатлар номлари | Сумма |
|----|--|----------------|
| 1 | Битта гуруҳдаги тингловчилар сон | 15 |
| 2 | Катта тренер | 100 000 сўм |
| 3 | Тренер | 85 000 сўм |
| 4 | Ўртача тулов миқдори | 92 500 сўм |
| 5 | Курс соатлари ҳажми (академик соат) | 36 |
| 6 | Тренерлар иш хақи | 3 330 000 сўм |
| 7 | Ўқитишни ташкил қилиш ва маъмурият иш хақи | 2 241 302 сўм |
| 8 | Меҳнат ҳақи фонди | 5 571 302 сўм |
| 9 | Ижтимоий солиқ 12% | 668 556 сўм |
| 10 | Жами меҳнат ҳақи харажатлари: | 6 239 858 сўм |
| 11 | Ижара ва коммунал хизмат харажатлари | 2 000 000 сўм |
| 12 | Телефон ва интернет, информация хизмати | 152 500 сўм |
| 13 | Когол сотиб олиш харажати | 200 000 сўм |
| 14 | Эксплуатация ва кундалик таъмирлаш харажатлари | 120 000 сўм |
| 15 | Компьютер ва техника амортизацияси | 500 000 сўм |
| 16 | Мебель ва офис жиҳози амортизацияси | 500 000 сўм |
| 17 | Техник жиҳозлар амортизацияси | 1 000 000 сўм |
| 18 | Тарқатма материаллар | 250 000 сўм |
| 19 | Жами жорий харажатлар: | 4 722 500 сўм |
| 20 | Жами меҳнат ҳақи ва жорий харажатлар: | 10 962 358 сўм |
| 21 | Қушимча харажатлар (накладные расходы) 15% | 1 644 354 сўм |
| 22 | Хизмат сафари харажатлари | |
| 23 | Рентабеллик 20% | 2 192 472 сўм |
| 24 | Барча харажатлар: | 14 799 183 сўм |
| 25 | Ягона солиқ тулови 5% | 2 219 877 сўм |
| 26 | Битта гуруҳдаги ўқитиш учун харажатлар: | 17 019 061 сўм |
| 27 | Битта тингловчи учун харажат: | 1 134 604 сўм |

(Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги №54- сонли қарорига асосланиб тузилган)